

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари

(2016 йил 26декабрь -31декабрғачаъ)

№17

Тошкент – 2016

Ҳамдарлик

Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин Жаноби олийларига
Мухтарам Владимир Владимирович!

Қора денгиз устида Ту-154 самолёти ҳалокатга учраши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни оғир қайғу билан қабул қилдим.

Менинг чуқур таъзиямни қабул қилишингизни ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси

Сизда ҳал этилмаган масалалар муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар борми? У ҳолда мурожаатингизни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига юборишингиз мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан юборилаётган мурожаатлардаги масалаларни давлат органлари томонидан иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиб, ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини виртуал қабулхонаси эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Ўзбекистон – Қирғизистон: ҳамкорликнинг янги уфқлари

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 24 декабрь куни амалий ташриф билан Самарқандга келди

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданий ва диний қадриятлари муштарак, анъана ва урф-одатлари ўхшаш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик янги мазмун касб этди. Кейинги пайтларда ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга оширилди. Мамлакатларимиз жамоатчилиги Андижон ва Ўш шаҳарларига делегацияларнинг ўзаро ташрифини мамнуният билан қабул қилди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Қирғизистонда ўтган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Президентлар "JV MAN Auto-Uzbekistan" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳонда автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар қаторига қўшилди. Бугун Ўзбекистон автосаноати маҳсулотларига кўпгина мамлакатларда, жумладан, Қирғизистонда ҳам талаб юқори. "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг ташкил этилиши мамлакатимизда автомобилсозликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 16 февралдаги «Оғир юк кўтарадиган автотототранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган "MAN" автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилди. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий юк машиналари, жумладан, автокранлар, изометрик фургонлар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоригич, пахта ва чиқинди ташиш машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Завод ҳудудида ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига техник хизмат кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Корхонада хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича махсус "MAN ProfiDrive" дастури асосида оғир юк кўтарадиган машиналар ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ҳайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш ёқилғининг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради. Қирғизистон Республикаси Президенти замонавий стандартларга мувофиқ энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган ва мамлакатимиз автомобиль саноатининг муваффақиятини намоён этадиган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар, юк машиналари, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари билан танишди. Форумлар мажмуаси саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев

ўртасида музокара бўлиб ўтди.
Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевга Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиргани
учун миннатдорлик изҳор этди. Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига
хурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига бўлган юксак хурмат
ифодасидир.

Алмазбек Атамбоевнинг ташрифи Қирғизистон Ўзбекистон билан
муносабатларни кенгайтиришга муҳим аҳамият бераётганидан далолат экани
қайд этилди.

Қирғизистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор
табриклади.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва иқтисодий
муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни
қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар
юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар экстремизм ва диний ақидапарастлик минтақамиз барқарорлигига
хавф солаётганига эътибор қаратдилар. Бундай хавф-хатарларга қарши ўзаро
ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.
Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласини муҳокама этиш
чоғида ушбу жафоқаш заминда тинчлик ва осойишталикка эришиш бутун
минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, истиқболли транспорт-
коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиётни янада тараққий
этириш учун муҳим омил ҳисобланиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада
ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш
зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида
2016-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури янги шаклдаги сиёсий
мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.
Савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаси
ҳисобланади.

Ушбу масалалар муҳокамасида 2016 йилнинг ўтган даврида ўзаро товар
айирбошлаш ҳажми 23 фоиз ўсганига қарамасдан, бу кўрсаткич етарли
даражада эмаслиги ва икки мамлакатнинг мавжуд имкониятларига мос
келмаслиги қайд этилди.

Президентлар икки йил давомида товарлар турини тубдан кенгайтириш ва
ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион долларгача кўпайтириш чораларини
кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев бунинг учун Қирғизистонга Ўзбекистонда ишлаб
чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, енгил ва юк
автомобиллари, автобусларни тизимли асосда етказиб бериш ва уларга
техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.
Бундан ташқари, қирғизистонлик шерикларга азот, фосфор, калий ва
мураккаб комплекс ўғитлар, электротехника маҳсулотлари –

трансформаторлар, барча турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлар, маиший техника, шунингдек, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, препаратлар, мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бериш таклиф этилди. Қирғизистон томони, ўз навбатида, Ўзбекистонга етказиб берилаётган товарлар турини қайта кўриб чиқиши таъкидланди. Шу мақсадда икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари ўртасида тўғридан-тўғри узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги қайд этилди. Минтақада самарали транспорт йўллари ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёни Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа темир йўл нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мутахассислари Қирғизистон ҳудудида бундай йўналишни лойиҳалаштириш ва қуришда иштирок этишига тайёр эканини таъкидлади.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишига ишонч билдирдилар.

БМТ халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистондаги Президент сайловининг яқунлари билан таништирди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош Ассамблея 71-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари ҳақидаги маълумот БМТнинг олти расмий тилларида тарқатилди.

Ҳужжатда қайд этилганидек, мамлакатимиз фуқаролари ўзларининг овоз беришдаги иштироки билан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар йўлини кўллаб-қувватлашини яна бир бор билдирди. Республика Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келиб тушган протоколларга асосланган ҳолда 2016 йил 4 декабрь куни сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизи овоз беришда иштирок этганини маълум қилди.

Расмий ҳужжатда сайлаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ равишда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишлари таъминланган ва яширин овоз бериш йўли билан ялпи, тенг ва тўғридан-

тўғри сайлаш ҳуқуқи тамойилларига риоя этилган ҳолда ўтгани ўз ифодасини топган.

“Дунёнинг 46 давлати ва бешта халқаро ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан 600 нафарга яқин кузатувчининг иштирок этгани сайлов кампанияси демократия ва шаффофлик асосида ўтганининг тасдиғи бўлди. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг 37 мингдан зиёд кузатувчиси ҳам сайловлар мониторингида қатнашди”, дея қайд этилади мазкур ҳужжатда.

ШХТ Миллий координаторлар кенгашининг мажлисига доир

2016 йилнинг 20-23 декабрь кунлари Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлар кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Хитой ва Ўзбекистон вакиллари томонидан ташкилот фаолиятининг долзарб масалалари, жумладан Остона шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишини ҳамда Қозоғистоннинг ШХТда раислиги доирасида бўлажак бошқа тадбирларни ўтказишга тайёргарлик жараёни муҳокама қилинди.

Мажлисида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Саммитда имзоланган Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот тингланди.

Миллий координаторлар ШХТ кун тартибининг бошқа масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистонда учта қуёш электр станцияси қурилади

Самарқанддан ташқари, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ана шундай станциялар қуриш мўлжалланмоқда.

Хитойнинг Zhuhai Singyes Green Building Technology Co., Ltd компанияси Самарқанд вилоятида Марказий Осиёдаги илк фотоэлектр станциясини қуриш бўйича тендер ғолибига айланди, деб хабар бермоқда РИА Новости "Ўзбекэнерго" АЖга асосан.

"Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектр станциясини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш учун бош пудратчини аниқлаш бўйича ўтказилган тендер танловларида Zhuhai Singyes Green Building Technology Co., Ltd ғолиб деб топилди", – дейилади хабарда.

"Ўзбекэнерго" 2014 йил декабрда кристалл фотоэлектрик унсурлардан ташкил топган панеллар асосидаги қуёш электр станциясини тайёр ҳолда

топшириш бўйича тендер танловини эълон қилганди. Қурилиш муддати икки йилни ташкил этиши мумкин. Германиянинг GORA International Energy Consultant, Suntrace GmbH ва Renewables Academy AG консорсиуми лойиҳани амалга ошириш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатади.

Компания режасига кўра, Марказий Осиёдаги биринчи қуёш станцияси йилига 200 миллион кВт.с электр энергияси ишлаб чиқаради. Умумий қиймати 275,8 миллион доллар бўлган лойиҳа Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон реконструкция ва тараққиёт фонди томонидан – ҳар бири 110 миллион доллардан ҳамда "Ўзбекэнерго"нинг 55,8 миллион доллар маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Ўзбекистонда 2020 йилга қадар умумий қуввати 300 МВт бўлган учта қуёш станцияси қуриш режалаштирилган. Самарқанддан ташқари, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ана шундай станциялар қуриш мўлжалланмоқда.

Ўзбек шеърятининг мумтоз вакили

Тошкент Фармацевтика Институтида «Эркин Воҳидов – ўзбек адабиётининг мумтоз вакили» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Миробод хокимилиги, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси ҳамда Тошкент Фармацевтика Институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабридаги “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида жойларда шоир ижодига бағишланган турли тадбирлар ўтказилаётир. Бадиий кечада атоқли адибнинг ибратли ҳаёт йўли, салмоқли ижоди хусусида атрофлича сўз юритилиб, шоир ижодидан намуналар ўқилди.

Рекорд натижа

2016 йилнинг ўн бир ойи давомида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига 60 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрди.

Мегаполис маъмурияти вакиллари таъкидлашича, йил ҳали якунига етмаган бўлса-да, мазкур кўрсаткич рекорд натижа ҳисобланади. Чунки ўтган йили Нью-Йоркка 59 миллиондан зиёд туристлар келганди. Таҳлилларга кўра, сайёҳлар сони ҳар йили миллион нафарга кўпаймоқда. Жорий йил шаҳарни томоша қилганларнинг 80 фоизи мамлакатнинг -бошқа штатларидан ташриф буюрганлар бўлса, хорижлик туристлар умумий сони 12 миллион кишидан ошиб кетди. Бу ҳам янги рекорд сифатида қайд этилди. Чет эллик меҳмонлар орасида Буюк британияликлар кўпчилиқни ташкил қилди.

Иккинчи ўринни Хитой фуқаролари, улардан кейинги поғонани эса канадалик ва бразилияликлар эгаллади.

Парвозлар кечикаяпти

Пекин осмони қуюқ тутун билан қоплангани туфайли “Шоуду” халқаро аэропортида 169 та рейс бекор қилинди.

Бунга ҳудуддаги кўплаб саноат корхоналари фаолияти сабаб бўлган. Шаҳар хавосида зарарли моддалар миқдорининг юқорилиги анчадан буён жиддий муаммо ҳисобланади. Иситиш мавсуми бошланганида эса ушбу масала янада ўткирлашади. Чунки электр станция-лари ва марказлашган иситиш тизими кўмир билан ишлайди.

Самолётлар парвозини кутаётган йўловчилар иссиқ овқат билан таъминланган. Аэропорт ходимлари вазиятни кузатиб турибди.

Энг кўп ҳақ оладиган футболчи

Аргентинанинг “Бока Хуниорс” клуби ҳужумчиси Карлос Тевес Хитойнинг “Шанхай Шеньхуа” жамоасига ўтади ва дунёдаги энг кўп ҳақ тўланадиган футболчига айланади, дейилади “Дейли мейл” нашри хабарида.

Келишув шартларига мувофиқ, ўйинчи янги клубида ҳафтасига 615 минг фунт стерлинг (763,5 минг АҚШ доллари) миқдорида маош олади. Аргентина чемпионатининг 14-туридан сўнг Тевес “Бока Хуниорс” ишқибозлари билан хайрлашди.

32 ёшли футболчи фаолияти давомида Европанинг “Вест Хэм”, “Манчестер Юнайтед”, “Манчестер Сити”, “Ювентус” каби номдор жамоаларида тўп суриб, 2015 йилнинг ёзида ўзи учун қадрдон бўлган, яъни уни тарбиялаган “Бока Хуниорс”га қайтган эди.